

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

РЕСПУБЛИКАНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТУРИСТЛАР СОНИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

назарий билим ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаган ҳолда профессор ва ўқувчиларнинг изланишлари, талабаларнинг туризм соҳасидаги назарий билимларини амалиётда қўллаш имкониятларини кенгайтириш;

худудлардаги аҳоли томонидан туризм хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда кадрларнинг малакасини оширишда қўмаклашиш.

5. Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари томонидан 2023 йилда хорижий сайёҳларни Ўзбекистонга жалб қилиш бўйича режа-жадвал **9-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қўйилганлар зиммасига:

а) **Республика ишчи гуруҳи** (А.Арипов, А. Абдухакимов):га; мазкур қарор ва унга иловаларда белгиланган мақсадли кўрсаткичлар ва чора-тадбирларнинг бажарилишини **назорат қилиш** ҳамда бу борадаги ишларни **ҳар ойда камида бир маротаба** муҳокама қилиб бориш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг туризм соҳасида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботларини эшитиш;

туризм соҳасида юзага келаётган муаммоларни тезкор бартараф этиш ва келгусида уларнинг олдини олиш, Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳар чорақда мамлакат туризм салоҳиятини ошириш бўйича ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига кiritиб бориш;

б) **Худудий ишчи гуруҳларга**:

Маданият ва туризм вазирлиги худудий бўлинмаларининг жойларда туризм соҳасида яратилган шaroитлар, маҳаллий ва хорижий туристларни жалб қилиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан **икки ҳафтада бир маротаба ахборотини тинглаш**;

жойларда туризм соҳасидаги мавжуд муаммоларни бирма-бир муҳокама қилиб бориш, туристик салоҳиятини ошириш борасида масъулларни белгиллаган ҳолда чора-тадбирларни тасдиқлаш ва уларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш;

худуднинг туристик салоҳиятини ошириш, маҳаллий ва хорижий туристлар сонини кўпайтириш бўйича тақрифлар тайёрлаш;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига — мазкур қарорга 1-иловада белгиланган туризмни ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш;

г) транспорт вазирлиги И.Р.Махкамовга — мазкур қарорга 2а ва 2б-иловаларда белгиланган йўловчилар ташишининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш;

д) маданият ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари У.А.Азамов ҳамда масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига — мазкур қарорга 4а ва 4б-иловаларда белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш вазифалари **юклатилсин**.

7. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси Маданият ва туризм вазирлиги билан биргаликда 2023 йил Давлат бюджетни параметрларида автомобиль йўлларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун қўзда тутилган маблағлар доирасида мазкур қарорга

3-иловага мувофиқ тасдиқланган туризм ва маданий мерос объектларига олиб борувчи автомобиль йўллари таъмирлаш ишлари амалга оширилишини таъминласин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** 2023 йил учун Давлат бюджетидан маҳаллий авиақатнов йўналишларини субсидиялаш учун **қўшимча 30 миллиард сўм** миқдорда маблағ ажратишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига кiritсин.

Белгилансинки, Транспорт вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда рейсларни уларнинг бандлигидан келиб чиқиб субсидиялаш механизмларини аниқлайди.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра **2023 йил 1 майдан** бошлаб:

2024 йил 1 июлга қадар таъриба тариқасида туроператор хизматларини кўрсатуви тадбиркорлик субъектларига улар томонидан 5 нафар ва ундан ортиқ норезидентларга хизматлар кўрсатишини назарда тутувчи турпаке́тлар (жойлаштириш, автомобиль ёки темир йўл транспорти, экскурсия ва оқватланиш бўйича хизматлар камраб олинган) бўйича чет эллик ҳамкорларига тақдим этилган ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғининг **20 фоиз** миқдоридида маблағлар **республика бюджетидан субсидия сифатида** қайтарилади;

2026 йил 1 майга қадар маҳаллий туроператорлар, туризм соҳасида жойлаштириш хизматларини кўрсатуви ёки автомобиль транспортда йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятида йўловчиларни ташишда фойдаланиладиган ва ҳайдовчи билан бирга ўн ва ўндан ортиқ ўриндиққа эга бўлган ҳамда ишлаб чиқарилганига 5 йилдан ортиқ бўлмаган транспорт воситаларини (ТИФ ТН кодлари 8702 10, 8702 40, 8702 90) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб киришда қўшилган қиймат солиғини фoизлар ҳисобланмаган ва уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда **12 ой муддатта бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи** берилadi.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк, Маданият ва туризм вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу бандда назарда тутилган тартибларнинг ўз вақтида жорий этилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикасининг туризм маҳсулотини хорижий туризм бозорларида тарғиб қилишга **2023 йилда 50 миллиард сўм** ажратилганига маълумот учун қабул қилинсин.

Маданият ва туризм вазирлиги:

а) **бир ой муддатда**:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда музей ва театрларнинг дам олиш ва байрам кунларида, шунингдек, таширф буюрувчилар учун қўлай вақтларда ишлашини таъминласин;

вазирлиқнинг ягона Сall-марказида кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш чораларини кўрсин;

б) **2023 йил 1 июнга қадар** Ўзбекистон Республикасининг миллий туризм маҳсулотлари ва хизматларини халқаро нуфузли туристик ва маркетинг платформаларида реклама қилиш харажатларини қўлаб бериш тартибини тасдиқласин.

Белгилансинки, ҳар йили Давлат бюджетидан Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига Ўзбекистон Республикасининг туризм маҳсулотини хорижий туризм бозорларида тарғиб қилиш учун ажратиладиган маблағлар Маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги

“Миллий PR-маркази” ДУКга белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ўтказиб берилadi.

11. Транспорт вазирлиги:

а) **бир ҳафта муддатда** “Самарқанд” халқаро аэропортида жорий этилган “Очиқ осмон” режими доирасида хорижий авиакомпаниялар учун рейслар ва йўналишларга бўлган чекловларни олиб ташлаш ҳамда “бекинчи ҳаво эркинлиги”ни қўласин, шунингдек, хорижий давлатларнинг авиация маъмуриятлари, чет эл авиатрашувчиларини бу ҳақда белгиланган тартибда хабардор қилсин;

б) **2023 йил 1 майдан** “Uzbekistan Airports” АЖ билан биргаликда:

Фаргона, Наманган ёки Андижондан Бухоро, Самарқанд, Термиз, Урганча, шунингдек, Термиз — Нукус, Самарқанд — Урганч, Бухоро — Урганч, Фаргона — Урганч каби йўналишлар бўйича мунтазам авиарейсларни йўлга қўйсин;

Тошкентдан Нукус, Урганч, Бухоро, Қарши ва Самарқандга авиақатновларни йўлга қўйиб, амалдагидан икки бараваргача арзон тарифларни жорий этсин;

в) янги ташкил этилган резидент авиакомпанияларга **хорижий йўналишларда парвозларни амалга ошириш учун квоталарнинг ажратилишини** таъминласин;

г) **бир ой муддатда** Ташки ишлар вазирлиги билан биргаликда ушбу қарордан келиб чиқиб, халқаро шартномаларга янги ташкил этилган резидент авиакомпанияларга хорижий ва халқаро йўналишларда парвозларни амалга ошириш учун квоталар ажратиш бўйича ўзгаришлар кiritиш ҳамда парвозларни амалга оширишга рухсат бериш чораларини кўрсин;

д) **2023 йил 1 октябрга қадар** Урганч ва Бухоро аэропортларининг ҳар бири бўйича давлат-хусусий шериклик шартлари асосида модернизация қилиш ва бошқарувага бериш бўйича алоҳида танловлар эълон қилсин;

е) **2023 йил якунига қадар** Наманган аэропортини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида модернизация қилиш ва бошқарува бериш бўйича лойиҳа концепциясини ва техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқсин.

12. Маданият ва туризм вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **2023 йил 1 сентябрга қадар** ЮНВТО шафелигида Халқаро туризм академияси Самарқанд кампусини яратиш мақсадида “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетига қарашли Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-“А” уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларнинг капитал реконструкция қилиниши ва тўлиқ хиёрланнишини ҳамда унга туташ ҳудуднинг ободонлаштирилишини таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **бир ой муддатда** ушбу банднинг биринчи хатбошисида белгиланган ишларни амалга ошириш учун зарур маблағ ажратилишини таъминласин.

13. Ўчки ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2023 йил 1 майдан бошлаб** йўл ҳаракати хавфсизлиги қондларига риоя қилган ҳолда:

Камчиқ довини орқали йўловчиларни ташишда фойдаланиладиган ва ҳайдовчидан ташқари иш тўрттагача ўриндиққа эга бўлган М2 тоифадаги транспорт воситаларига;

Жиззак вилоятидаги доволар ҳамда Бўстонлик туманининг тоғли ҳудудларида тегишли тоифадаги йўллар орқали туристик автобус ва

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ

ТАШРИФ НАТИЖАЛАРИ

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА

КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2023 йил 26 апрель

Хозир ўзарo савдода энг қўлай тартиб амал қилмоқда. Сўнгги беш йилда ўзарo товар айирбодлаш ҳажми 24 фоизга етган бўлса, биргина ўтган йилнинг ўзида 51 фоизлик юксалиш қайд этилди ва умумий савдо айланмаси ҳажми 1 миллиард 159 миллион долларга етди.

Германия компаниялари томонидан мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми сўнгги икки йилда салкам 1,9 миллиард долларни ташкил қилди. Ушбу инвестициялар, аввало, ҳомашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш, қурилиш материаллари етказиб бериш, ишлаб чиқариш, фармацевтика, мева-сабзавот, кон-рудда, қимё саноати, энергетика каби иқтисодиёт-тизмизнинг асосий тармоқларига йўналтирилган эътиборда молиқдир.

Ўз навбатида, мамлакатимиз ҳам немис бозорини кенг кашф этмоқда. 2022 йил Ўзбекистон товарлари экспортни илк бор рекорд натижаси, яъни 88,9 миллион долларни ташкил қилди ва 23 фоизлик ўсиш кўрсаткичлари қайд этилди. Экспорт қилинаётган асосий товарлар таркиби мева-сабзавот, тайёр тўқима-чилик ва санонат маҳсулотлари, турли хизматлардан иборат бўлди.

Президентимизнинг ташрифи доирасида бўлиб ўтган қўшма бизнес форуми якунида умумий қиймати салкам 9 миллиард долларлик савдо, инвестициявий ва технология лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди. Ушбу лойиҳалар “яшил” энергетика, қазиб чиқариш, қимё, фармацевтика тармоқларида, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш, инновация ва бошқа соҳалардаги кооперация масалаларини қамраб олади.

Германия компанияларининг Ўзбекистондаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “KfW”, “Deutsche Bank” банклари ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти билан кенг қўламли шериклики ривожлантиришга келишиб олинди. Германия ҳукумати Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилишини ҳамда Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имкон қадар тез имзола-шини бундан буюн ҳам қўллаб-қув-ватлашга тайёрлигини билдирди. Шу билан бирга, икки мамлакат ўрта-сида сиёсий мулоқотни давом этти-риш муҳимлиги ҳам қайд этилди.

Ташриф доирасида иқтисодиёт, савдо, молия, таълим, фан ва ин-новация соҳаларида ҳукуматларо ва идораларо 16 та ҳужжат имзо-ланди. Улар орасида Кўп қиррали ҳамкорликини янада чуқурлаштириш тўғрисида Ҳукуматларо декларация алоҳида аҳамиятга эга. Қанълар Олаф Шольц Ўзбекистоннинг Мар-казий Осиёда дўстлик ва ўзарo ишонч муҳитини яратиш, интегра-цияни чуқурлаштириш бўйича янги

Қодир ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Халқорo ишлар ва
парламентларарo алоқалар
қўмитаси раисининг
ўринбосари.

Шунингдек, ялли маж-лисда “Ўзбекистон Респу-бликаси Ҳукумати билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида форс-мажор ҳолатларда давлат авиа-цияси ҳаво кемалари томонидан ҳаво ҳудуди ва аэродромлардан фойда-ланиш соҳасида ўзарo ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2021 йил 10 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун ҳам муҳо-мадан ўтказилди.

Таъкидланганидек, битимнинг асосий мақсади форс-мажор ҳолат-ларда давлат авиацияси ҳаво кема-ларининг ҳаво ҳудуди ва аэродром-лардан фойдаланиш соҳасида ўзарo ҳамкорлик қилишининг ягона тарти-бини белгилашдан иборат.

Ҳўжатта мувофиқ форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда то-монлар давлат ҳаво ҳудудини қисқа муддатли кесиб ўтишга, ўз аэродром-ларидан бирига захира сифатида қўйиш учун рухсат беришга ҳаққили-ги назарда тутилган.

Ҳўжат ратификацияси парвозлар хавфсизлигини янада таъминлашга хизмат қилади.

Сенаторлар мазкур Битим рати-фикацияси икки мамлакат ўрта-сидаги конструктив ва ўзарo ман-фаатли ҳамкорликнинг мантқийи да-воми бўлишини, бу минтакавий хавфсизлигини таъминлаш, шунинг-дек, бутун Марказий Осиё минтақа-сининг барқарор ривожланишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Муҳокама якунида қонун сенатор-лар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Ўзе-бекистон Республикасининг айрим

қонун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар кiritиш тўғрисида”ги қонунни кўриб чиқди.

Муҳокамаларда таъкидланганидек, қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мақомини ҳамда сайлов тизимини тақомил-лаштиришга, сайлов иштирокчилари-нинг ҳўқуқий кафолатларини кўчай-тиришга, шу жумладан, маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўйича сай-лов қонунчилигидаги ҳўқуқий бўшлиқ-ларни бартараф этишга қаратилган.

Қонун билан ҳар йиллик маҳал-лий бюджетларда бўшаб қолган де-путатлик ўринлари учун сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тартиби, шунингдек, ушбу жараёнда Марказий сайлов ко-миссиясининг ваколатлари белгилан-моқда.

Ушбу ўзгартишлар вакиллик органлари фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилиши, фуқароларнинг ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини бошқа-ришда иштирок этишга бўлган кон-ституциявий ҳўқуқларини ҳар томон-лама амалга оширишлари учун шарт-шaroит яратди.

Сенаторлар қонун билан янги тақ-рирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасидан келиб чиқиб, қонунчиликка оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун озодлиқдан маҳрум қилиш жойлари-да сақланаётган шахсларнинг сай-лов ва референдумда қатнашишга оид ҳўқуқларини таъминлашга қар-атилган қўшимча кафолатлар бел-гиланганлигини ҳам қайд этдилар.



Хосен. ПАЙДОЕВ оғлон сурат.

Қонун фуқаролар ййгинлари фао-лиятининг ҳўқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга айтилди. Хусусан, қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролар ййгини раисининг мақомига оид айрим қонун ҳўжатларининг норма-лари янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127-моддасига мувофиқлаштирил-моқда.

Сенаторлар томонидан қонун би-лан бўшаб қолган ўринларга ҳамда янги ташкил қилинган маъмурий-худудий бирикларда маҳаллий Кен-гашлар депутатлари сайловини ўқа-зиш тартиби билан боғлиқ айрим ҳўқуқий бўшлиқлар ҳам бартараф этилаётганлиги таъкидланди.

Ялли мажлисда қонун билан тақ-лиф қилинаётган янги нормалар ва тартиб-таомиллар Европа Иттифоқи, Грузия, Россия Федерацияси, Қозо-ғистон, Озарбайжон, Беларусь, Ар-манистон, Украина каби хорижий мамлакатлар таърибасига ҳам-оанглиги таъкидланди.

Муҳокамалар давомида қонун халқаро стандартлар, хусусан, Европа Кенгаши Венеция комис-сияси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти тавсияля-ри, Демократик сийловлар, сайлов-га доир ҳўқуқ ва эркинликлар стан-дартлари тўғрисидаги конвенция талабларига мос эканлиги ургуланди.

Сенаторлар қонун сайлов тизи-мини тақомиллаштиришга, сайлов

иштирокчиларининг ҳўқуқий кафолат-ларини кўчайтиришга, фуқаролар ййгинлари фаолиятининг ва рефе-рендумда қатнашишининг ҳўқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этдилар.

Муҳокамалар якунида сенаторлар томонидан “Ўзбекистон Республика-сининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар кiritиш тўғрисида”ги қонун маъқулланди.

Ялли мажлисда сенаторлар томон-идан 6 та қонун кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқинчи ялли мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенаи
Ахборот хизмати.

КҮН ТАРТИБИ СЕНАТОРЛАР ТОМОНИДАН ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Аввал хабар берилганидек, Олий Мажлис Сенатининг қирқинчи ялли мажлисида бир қатор қонунлар ва бошқа долзарб масалалар кўриб чиқил-ди. Шу боис уларга сенаторлар чуқур ёндашди. Улардан айримлари тўғри-сида Сенат аъзолари шундай фикр билдирди.

■ Муносабат

Равшанбек АЛИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқаро муносабатлар, таъши
иктисодий алоқалар, хорижий
инвестициялар ва туризм
масалалари қўмитаси раиси:

**Ходимлар ҳуқуқларини
ҳимоя қилишнинг
қўшимча кафолатлари
яратилади**

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон ва унинг ман-фаатлари туради. Шунга қўра, ҳар бир фука-ронинг муносиб яшаш ва ишлаши учун зарур шaroитлар яратиб бериш чоралари кўриб ке-линапти.

Ялли мажлисда муҳокама қилинган “Халқ-

ғизлигини ҳамда асбоб-ускуналарнинг жара-хатлаш хавфини баҳолаш имконига эга бўла-миз. Бу сўз юритилаётган қонунда ифодалаб қўйилмоқда. Пировардида бу ходимлар ҳўқуқлари ҳимоясининг қўшимча кафолатла-рини яратиш имконини беради ва меҳнатни муҳофаза қилиш миллий тизимини янада та-қомиллаштиришга сезиларли даражада турт-ки беради.

Анвар ТўЙЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенаи аъзоси:

**Ўзарo алоқаларимиз
янада жадаллашувига
хизмат қилади**

— Сир эмас, кейинги йилларда Ўзбекистон-нинг ташқи сиёсатида ижобий тенденциялар кўзга яққол ташланмоқда. Буни қўшниларим-из ва бошқа давлатлар билан ўзарo алоқа-ларни ҳар томонлама ривож топтириш мақса-дида кенг қўламли ишлар ва эзгу сазй-ҳара-катлар амалга ошириб келинаётганини мисоли-да ҳам кўриш мумкин. Мухими, бу борадаги ютуқларимиз нафақат юртдошларимиз, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилаётир.

«Халқ сўзи».

ЎЖЖАТ ЛОЙИХАЛАРИДА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ИФОДАСИ — АСОСИЙ МАҚСАД



Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ҳарбий прокуратура органларининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни кучайтиришга, шунингдек, ҳарбий прокуратура органларига ҳодимларни ҳарбий хизматга қабул қилиш, лавозимидан озод этиш ҳамда уларга ҳарбий унвонлар беришга доир қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши шубҳасиз, Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлашга, шу жумладан, тизимда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга доир қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишини, бюджет маблағлари ва давлат мулкчини талон-торож қилиш ҳолатларининг олди олинишига ҳамда ҳарбий прокуратура органларининг том маънода мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсияларини билдирди ҳамда узоқ давом этган муҳокама­лардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Маҳаллий маҳсулотларнинг хорижий бозорларда рақобатбардошлиги ошади

Халқ вакиллари “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгариш қи-

ритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида бир экспорт шартномаси доирасида жами маҳсулотнинг 5 фоизидан ошмаган дебитор қарздорлик учун тадбиркорлик субъектига нисбатан жарима қўлламаслик назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, ушбу ҳужжатдан ўрин олган янги нормалар тадбиркорларнинг экспорт фаолиятини қўшимча қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий маҳсулотларнинг хорижий бозорларда рақобатбардошлиги ошишига хизмат қилади.

Этиборлиси, экспорт шартномаси доирасида экспортга юкланган маҳсулотлар қийматининг 5 фоизигача бўлган қисмига қўлланилиши керак бўлган жарима суммалари қорхоналар ихтиёрида қолади.

Муҳокамалар давомида депутатлар ушбу қонуннинг долзарблиги, аynи чоғда, ниҳоятда зарурлигини эътиборга олиб, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш бўйича бир қатор таклифлар берди.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан кўтарилган қўллаб қаволларга мутасаддилардан батафсил жавоб олинди. Муҳокама­лардан сўнг ҳужжат лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Телерадиоэшиттириш субъектларига фаолиятни амалга оширишда молиявий қулайликлар

Мажлисда “Телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоиш қилиш) фаолияти билан шуғулланиш учун давлат божи миқдорлари мақбуллаштирилиши муносабати билан “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улар-

дан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатишга доир лицензиянинг амал қилиши учун белгиланган йиллик давлат божларининг миқдори юқорилиги ҳамда давлат божини тўлашнинг амалдаги тартиби мураккаблиги мазкур соҳадаги тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни чеклаб қўймоқда.

Агар хорижий давлатлар қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь, Озарбайжон ҳамда Арманистон мамлакатларининг амалиётида телерадио йўналишида фаолият олиб бораётган субъектлардан бирмунча арзон давлат божи ундирилади.

Ушбу тажрибаларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатишга доир лицензия берганлик учун давлат божининг миқдорини камайтиришни ва уни йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратишни, шунингдек, маъмурий ислохотлар натижасида қайта ташкил қилинган ижро этувчи ҳокимият органининг номини аниқлаштиришни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Депутатларнинг айтилишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоиш қилиш) соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, телерадиоэшиттириш тизимини модернизациялашга, миллий мазмундаги дастурларни тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқишга ва истеъмолчиларга тақдим этиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қизғин муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Мулкий ҳуқуқларнинг кучли ҳимояси

Депутатлар “Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойи-

ҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўриб чикди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Ғуқаролик кодексига сервисут шартлари, сервисут белгиланган ер участкасини бўлиш, сервисут белгиланган ер участкасида қурилмаларни сақлаш каби қоидалар киритилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ер участкасига нисбатан сервисут белгилаш тўғрисида келишиш тартиби, сервисут тўғрисидаги келишув иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланяпти. Бундан ташқари, ер участкаларини ажратмасдан ва сервисут белгиланмасдан ердан фойдаланиш, оммавий сервисут учун ҳақ тўлаш, оммавий сервисут эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оммавий сервисутни бекор қилиш асослари ва бошқа қоидалар билан тўлдирилмоқда.

Халқ вакилларининг таъкидлашича, қонун лойиҳаси ер участкалари ижара турларининг ўзига хос хусусиятларини белгиланяпти. Бундан ташқари, қўриш ҳамда ижара ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Йўл ҳаракати соҳаси — парламент назоратида

Сир эмас, аynи чоғда Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларда сайловчилар билан учрашувлари ҳамда қуйи палатага келиб тушётган мурожаатларнинг салмоқли қисмини қонун ҳужжатлари бузилгани учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш фаолияти билан боғлиқ муаммолар ташкил этарди.

Ушбу муаммоларни ўрганиш мақсадида Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси тақлиф билан шу йил 15 март куни “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш бўйича ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан Бош вазир ўринбосари А. Раматовга қуйи палатанинг парламент сўрови юборилган эди.

Ушбу парламент сўровида қўриқдаги вилотларнинг мисолида ўрганиш натижалари асосида аниқланган бир қатор муаммолар кўтарилган ва уларнинг ечими юзасидан Бош вазир ўринбосаридан асослангирлан тушунтириш берилиши сўралган.

Мажлисда депутатлар ушбу парламент сўровига Бош вазир ўринбосарининг жавобини атофлича қўриб чиқдилар.

Жавобда мамлакатимизда, ҳақиқатан

Шунингдек, соҳага оид норматив-

ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси Андижон, Фаргона ва Самарқанд вилотлари мисолида жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, транспорт воситалари эгалари билан суҳбатлар ўтказилди.

Ўрганишлар давомида ҳудудларда қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Шу жиҳатдан назорат таҳлил тадбирлари давомида ғуқаролар, хусусан, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ эътирозлари ва тақлифларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълум бўлишича, аксарият жарима майдончаларида ушланган транспорт воситаларини сақлаганлик учун пластик қорточкалардан тўловларни қабул қиладиган ҳисоб-китоб терминали ҳамда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси мавжуд эмас. Борларида ҳам улардан деярли фойдаланилмасдан келинмоқда.

Шу билан бирга, жарима майдончаларида ушланган транспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун турли миқдордаги тўловлар ундирилмоқда. Ушбу тўловларнинг аниқ миқдорлари белгиланмаган. Бу масалалар Андижон, Фаргона ва Самарқанд вилотларидаги ўрганишларда маълум бўлди.

Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси тақлиф билан шу йил 15 март куни “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш бўйича ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан Бош вазир ўринбосари А. Раматовга қуйи палатанинг парламент сўрови юборилган эди.

Ушбу парламент сўровида қўриқдаги вилотларнинг мисолида ўрганиш натижалари асосида аниқланган бир қатор муаммолар кўтарилган ва уларнинг ечими юзасидан Бош вазир ўринбосаридан асослангирлан тушунтириш берилиши сўралган.

Мажлисда депутатлар ушбу парламент сўровига Бош вазир ўринбосарининг жавобини атофлича қўриб чиқдилар.

Жавобда мамлакатимизда, ҳақиқатан

ҳам, жарима майдончаларининг фаолиятига доир тизимли муаммолар борлиги, уларни ўрганиш юзасидан вазирлик ва идоралар масъулларидан иборат ишчи гуруҳи тасдиқлангани келтирилган.

Ишчи гуруҳ томонидан мамлакатда мавжуд жами 295 та жарима майдончаси ҳолати ўрганилган бўлиб, таҳлиллар давомида жарима майдончаларининг лоқал битта-си ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги тегишли қарори билан белгиланган талабларга жавоб бермаслиги аниқланди.

Шу сабабли, кўп йиллар давомида назоратсиз қолдирилган шу тизимни янгила ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат лойиҳасида:

— “Жарима майдончаси” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

— жарима майдончаларига кириб-чиқаётган транспорт воситаларининг рўйхатини электрон тарзда юритиш;

— жарима майдончалари бўйича хизматни кўрсатувчи юридик шахслар танловини ўтказишда инсон омилини камайтириш ва шу қабилар назарда тутилиши тақлиф этилган.

Парламент сўровига келган жавобда келтирилганидек, қарор лойиҳасини бир ой муддатда тайёрлаб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритиш бўйича Транспорт вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлигига топшириқ берилган.

Шу билан бирга, ўрганишлар натижасида қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш жойларида аниқланган қамчиликлар ҳамда мавжуд муаммоларни қисқа муддатларда бартараф этиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилотлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишли топшириқлар берилгани баён қилинган.

Мажлисда депутатлар ушбу парламент сўрови юзасидан тайёрланган Қонунчилик палатасининг қарорига бир қатор тақлифлар берди. Шунингдек, жарима майдончаларини ташкил этиш белгиланган талабларга жавоб берадиган даражада бўлишини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Муҳокама­ларга бой бўлган мажлисда кун тартибидоғида масала тегишли қўмитанинг доимий назоратида бўлиши алоҳида таъкидланиб, парламент сўровига юборилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Фикр

Янги бизнес учун қулай шароитлар

Мамлакатимизда тадбиркорлар сонининг ортиб боришида хорижий инвесторларнинг ҳам ўрни муҳим саналади. Шу боис сўнгги йилларда юртимизда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий қафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган илчил ислохотлар амалга оширилди.

Анъанага айланиб бораётган ва йилнинг энг муҳим воқеаликлари­дан бўлган иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми бу борадаги ишларда ўзига хос майдон вазифасини ўтайпти, десак, аynи ҳақиқат.

Шу йил 27-28 апрель кунлари иккинчи бор ўтказилган ушбу нуфузли форум доирасида бир қатор хорижий давлатлар вакиллари ҳамда ишбилармон доиралар билан мамлакат иқтисодиётини янада жадаллаштириш, доимий иш ўринларини яратишга қаратилган икки томонлама шартномалар имзоланди.

Эътиборлиси, анжуманнинг ялпи мажлисида давлатимиз раҳбари иштирок этди ва ишбилармон доиралар учун Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги янги имкониятларга тўхталиб ўтди.

Жумладан, дастлабки йўналиш сифатида бугун бутун дунё иқтисодиёти учун муҳим бўлган “яшил” иқтисодиёт борасидаги жадал ҳамкорликни кенгайтириш, бу борада Ўзбекистон жаҳоннинг энг нуфузли компаниялари билан қўёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга ошираётганлиги, бу инвесторлар учун 8 миллиард долларлик имконият эканлиги таъкидланди.

Аynи чоғда мамлакатимизда давлат-хусусий шериклиги борасида ҳам тажриба ва имкониятлар етарли эканлиги қайд этилди. Хусусан, ислохотлар натижасида, олдинлари ёпиқ бўлган тармоқларга хусусий инвестициялар фаол кириб келмоқда. Масалан, аввал 100 фоиз давлат тармоғи ҳисобланган авиация соҳасида хусусий секторга кенг йўл очилди. Шу билан бирга, тез ўсиб келаётган ахборот технологиялари, туризм, таълим, тиббиёт каби йўналишларда Ўзбекистон минтақавий ҳабга айланиб бормоқда.

Умуман олганда, 2023 йилда давлат-хусусий шерикликни жорий қилиш бўйича 14 миллиард долларлик алоҳида дастурлар ишлаб чиқилган. Улар давлат учун муҳим бўлган транспорт, коммунал ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш каби тармоқларни қамраб олган.

Яна бир йўналиш — давлат мулкчини хусусийлаштириш борасида “1 минг + 1 минг + 40” дастури жорий этилиб, йил охиригача, мингта қорхонадаги давлат уюшлари ҳамда давлатга тегишли яна мингта кўчмас мулк объекти очиқ аукцион савдо­ларига чиқарилади, 40 та стратегик қорхона “IPO”га олиб чиқилади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур форум фойдали ҳамкорлик лойиҳаларига бой бўлди. Унинг доирасида имзоланган шартномалар аҳоли турмуши фаровонлиги ошишига, ишбилармонлик муҳити яхшиланишига, янги бизнес имкониятлар учун кенг йўл очишга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Олтиной МАМИРОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутаты.

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари яратилаётган кенг қўламли имкониятларни рақамларда санаб ўтди. Хусусан, ўтган даврда ёшлар тадбиркорлиги учун 4 триллион сўм кредит ажратилган, 150 мингта лойиҳа ишга туширилган ва 325 мингта иш ўрни яратилгани алоҳида қайд этилди.

Ёшларнинг ўз ўзини банд қилиши, етарли даромад топишда кези келса, “ер инсонни боқайди” деган нақлга амал қилинган ҳолда оқилона йўл тутилмоқда. Ер билан ишлаш фаровонликка бошлаши қадимдан синалган йўл. Ҳудудлар имкониятидан келиб чиқиб, ёшлар бекорчи юрмасин, катта ҳаётга тадбиркор бўлиб дадил қадам қўйсин, деган мақсадда республика миқёсида ўтган даврда 43 минг гектар суғорма экин майдонларини ажратиб берилди, натижада 435 минг ёшнинг иш билан бандлиги таъминланди.

Камбағалликни қисқартириш, маҳаллабай ишлаш дастурлари асосида оилавий шароити оғир хонадонлар индивидуал ўрганилиб, 32 мингдан зиёд ёшларга субсидиялар ажратилди, улар оилавий бизнес юритиши учун замонавий минидастгоҳлар, меҳнат қуроллари ва компьютер жамламаларига эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ёшлар жаҳон стандартлари асосида сифатли билим олиши, аynиқса, олий таълим билан уларни кенг қамраб олиш учун дунёнинг манаман деган университетлари билан қўшма таълим дастурлари, лойиҳалар йўлга қўйилаётир. Биргина Тошкент давлат иқтисодиёт университети мисолида оладиган бўлсак, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Университетимизда сўнгги олти йилда 30 дан ортиқ хорижий нуфузли университетлар билан меморандумлар имзоланди, талабалар алмашинуви ва профессор-ўқитувчилар интеграцияси самарали йўлга қўйилди.

Йиғилишда олий таълимга алоҳида эътибор қаратиларкан, ёшларни нафақат ташкилий ишлар билан қўллаб-қувватлаш, билими бор, аммо шартнома пулини тўлашга имконияти йўқ иқтидорли ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли дастурлар ижроси амалга оширилгани таъкидланди.

Хусусан, республика бўйича 130 минг талабага 1,7 триллион сўм таълим кредити берилган, хотин-қизларнинг магистратурада ўқиши бепул бўлди. Бундан ташқари, 53 минг нафар эхтиёжманд талабанинг шартнома пуллари тўлангани, 81 минг талабага ижара тўлови ажратилгани, 15,5 минг ёшга ҳарбий хизмат учун маблағ ва 13 минг ёшга эса чет тиллари бўйича сертификат олиш харажати тўлаб берилиб, “Ёшлар дафтары” орқали 300 минг йигит-қизга қарийб 600 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилгани таъкидланди.

Видеоселекторда ёшларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунча имкониятлар яратилса-да, айрим йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш оқсаётгани танқид

дий баҳоланиб, бу масалаларни институционал тадқиқ қилиш, ёшлар муаммоларини биргаликда ҳал қилиш долзарб аҳамият касб этиши билдирилди.



Ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилиниб, уларни 3 тоифага ажратган ҳолда, манзилли ишлаш бўйича топшириқ берилди.

Хусусан, биринчи тоифа — яхши ўқиётган, тадбиркорлигини йўлга қўйган, расмий секторда ишлайдиган, қобилияти бор, ижтимоий фаол бўлган 4,4 миллион йигит-қиз “яхши”;

иккинчи гуруҳ, турмуш тақозоси билан расмий сектордан иш топа олмаган, лекин иқтисодий фаол 4,6 миллион ёш “ўрта” тоифага киритилди;

учинчи гуруҳ, давлатнинг ғамхўрлиги ва эътиборини кутаётган ҳамда қўмакка муҳтож 396 минг нафар йигит-қизни “аҳоли оғир” тоифага ажратиб ўрганишга тизимли ёндашув заруриги белгилан берилди.

Давлатимиз раҳбари, аynиқса, ёшларни ишга қабул қилиш тизими тўдан қайта қўриб чиқишини айтди. Яна бир масала. Бугунги кунда республика тузилмаларида 265 минг иш ўрни бўла туриб, қўллаб ёшлар ишсиз қолаётгани танқидий баҳоланиб, бундан кейин вазирликлар, ташкилотлар олийгоҳ ва коллеж-техникумларга буюртма бериш ҳамда ўқув дастурларини талаб ва тақлифга қўра ишлаб чиқишда иштирок этиши қатъий белгилан берилди.

“Ўтган йили 11 та давлат олийгоҳининг 11 мингдан зиёд битирувчиларидан 6,5 минг нафари ишга жойлашмаган. Ёки гўрагнда ўқиган 3 минг талаба ҳам ишга кирмаган. Профессориал таълимда ҳам, ўтган йили коллеж ва техникумларни 143 минг нафар ёшлар битирган бўлса, шундан, 30 минг нафари иш топа олмаган”, деди давлатимиз раҳбари.

Шу муносабат билан бундан буён ҳар бир вазир тармоғидаги касбларга талаба талабини ўзи белгиллаш, бунда 70 фоиз касбларга ўрта махсус, 30 фоизи олий маълумот талаб этиладиган тизим бўлиши таъкидланди.

“2021 йилда 25 ёшгача бўлган ёшларни ишга олган қорхоналарга тўланган ижтимоий солиқни қайтариб бериш амалиёти жорий қилинган эди. Бундан 9 мингдан зиёд қорхоналар фой-

даланди, уларга 150 миллиард сўмлик ижтимоий солиқ қайтарилиб, 100 минг ёшлар бандлиги таъминланди. Шу боис, ушбу тажрибани яна 2 йилга уязитиришга қарор қилинди.

1 июндан бошлаб “ёшлар дафтары”га кирган талабалар учун давлат ташкилотларида иш ҳақи тўланадиган стажировка тизимини жорий қилиш топширилди”, деди Президент.

Видеоселекторда ёшларнинг IT ва бошқа соҳалардаги қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, имтиёз ва енгилликлар билан йил якунигача ҳар бир вилот ва Қорақалпоғистон Республикасида биттадан “Креатив парк” ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Эндиликда ушбу йўналишда “Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари” жамғармаси ва электрон платформаси ташкил қилиниб, жамғармага 100 миллион доллар йўналтирилади. Бу маблағлар иқтидорли ёшларнинг энг яхши ғоя, стартап ҳамда лойиҳаларига қулай ва енгил шартларда, зарур бўлса, фоизсиз ҳамда гаровсиз ажратилади.

Йиғилишда “Ёшлар дафтары” жамғармаси маблағларини ишлатиш тизими ҳам ўзгариши маълум қилинди.

Бу жамғарма йигит-қизларни кўпроқ касбга, тадбиркорликка ўргатиб, бандлигини таъминлашга хизмат қилиши керак бўлса-да, ҳокимлар атиги



10 фоиз маблағни бандликка йўналтирган, “ёшлар дафтары” орқали кўрсатиладиган 25 та ёрдамнинг 5 тасидан фойдаланмоқда, деб таъкидланди.

Шу сабабли:

— энди ёшларга касбга ўқиш, меҳнат қуроли, уруғ-қўчатга субсидия каби турдош хизматлардан бир вақтнинг ўзига фойдаланиш имконияти яратилади;

— уруғ ва қўчат учун 2,5 миллион сўм ўша ҳудуддаги уруғ-қўчат хўжалиқларидан сотиб олиш учун тўғридан-тўғри берилади;

— “ёшлар дафтары” билан ишлашда ёшларни анимация, дизайн, логистика оператори, гид каби замонавий касбларга ўқитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бу тизим билан мактабларнинг 10 ва 11-синф ўқувчилари ҳам қамраб олинади;

— бундан буён “Ёшлар дафтары” жамғармалари маблағининг камида 40 фоизи айнан касб-хунарга ўқитишга йўналтирилади;

— жорий йилда замонавий касбларга ўқитиш учун 100 миллиард сўм ажратилади ва навқирон авлодининг камида 25 минг нафари ўқитилади. Эҳтиёжга қараб, бунга яна маблағ ажратилади.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида қилинган ишлар туфайли хусусий тил марказлари сони 6 мингдан ортгани, бугунги кунда 1,5 миллион йигит-қизимиз бўш вақтини чет тилини ўрганишга бағишлаётгани айтиб ўтилди. Аynи чоғда, қўшимча 300 минг ёшнинг хусусий марказларда тил ўрганиш харажатларига 100 миллиард сўм субсидия ажратилиши, том маънодаги ҳақиқий ғамхўрлик, десак, аynи ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбари 100 минг нафар йигит-қиз ўртасида ўтказилган сўровнома талабларидан келиб чиққан ҳолда, спорт ва маъшиий хизмат кўрсатиш соҳаларини замонавий шаклда модернизациялашга топшириқ берди.

Тошкент шаҳрида Анҳор ва Бўзсув, Нукусдаги Дўстлик, Урганчдаги Шовот, Фарғонадаги Марғилонсой каналлари бўйида ёшлар ижод қўчалари ташкил этилиб, у ерларда мўйқалам эгалари ҳамда ҳайкалтарошлар, ижод аҳли ва



уларнинг мухлислари учун шароит яратилиши эса юртимиз кўрмига катта маънавий шуқуҳ бахш этиши, шубҳасиз.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида коворкинг, театр студиялари ва рақс майдончалари фаолияти йўлга қўйилиши ёшлар ҳаётининг му-

Хулоса ўрнида айтганда, йиғилишда илгари сурилган истиқболли, амалий тақлиф ва ташаббуслар бўйича ёшларга оид давлат сиёсатини самарали ташкил этишга қаратилган “Янги Ўзбекистон ёшлари” дастури ишлаб чиқишини навқирон авлод зиммасига залварли масъулият ўқлайди, ёшларимиздан халқимиз олдида турган юксак мақсадларга эришишда жипслашиш, янада фаоллик кўрсатиш талаб этилади. Ишонамизки, фарзандларимиз, халқимиз, Президентимиз ишончини аёло ўқши, илмий-ижодий муваффақиятлар ва фидокорона меҳнатлари билан оқлашга астойдил ҳаракат қиладилар.

Кўниротбой ШАРИПОВ,<

